

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рағиддинов
Фармон Тошев
Исајон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева
Адабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил





САЛОМАТ ҚАЛБ

*ёхуд Эшиқобил Шукур ижодида
таслимлик ҳолати*

**Улдана
АБДУРАҲМОНОВА**

Кураш – камида икки тўлқин тўқнашуви, қалбнинг шарқироқ-асов дарёдек тўлиб-тошиши, таслимлик эса, аввало, рух сокинлиги, кўнгилнинг бўм-бўш бўлиб қолиши, ён бериш, қаршиликни тўхтатиш демакдир. Бу – иқрорлик, изтиробни англаш ва уни ўзига қабул қилиб, ўз “мен”ига сингдириш деганидир. Айни шу ҳолатлар истеъдодли шоир Эшқобил Шукур ижодида кўп учрайди:

*“Кўнглим, мусичаи беозор кўнглим,
Севидан толдингми, дарддан толдингми?” [11;42].*

“Мағлубият” шеърида [10;54] эса кунлар (теварак, ҳаёт) – кўнгилдай хувуллаб қолган бир бўшлиққа, шахсият (“мен”) – ташландик уйга, бўшаб ётган тушга менгзалади:

*“Умрим ўтаётир, кўнглим ҳам бўм-бўи...
Мен – буюк уруида ийқилган байроқ.
Оғзим тўла тошдир, ўттиз икки тош,
Кўйним тўла ёнгоқ, бари пуч ёнгоқ” [10;54].*

Ёки “Тунги гуллар” тўпламидаги шеърларнинг бирида [9;23] “мен” – “гулнинг танидан тўралган ўтин” тарзида ифодаланаркан, “Хеч нарсам мукаммал, ҳеч нарсам бутун // Кўзимнинг сувига чўккан чақмоқтош” (бу кўзёшларда, бу сукунатда аслида олов чўкиб ётиди), дейилади. Бу олов – итоат олови эди аслида.

Таслимлик – ўз лугавий маъносида ҳам қалб саломатлиги демак. Яъни бу – яратиқнинг Яратганини тан олиши, унга тобе бўлиши, унга бўйсуниши, итоат этишидир. Зоро, Абу Ҳомид Фаззолий “Мукошафат-ул қулуб” асарида ёзганидек, “Ақлли одам кимга итоат этиш кераклигини билади, унга юзланади ва бутун борлиги билан унга таслим бўлади. Ҳар не замон бир камчиликка йўл қўйса, тавба қиласи, тазарру қиласи. Аллоҳнинг раҳматидан умид узмайди, неъматларига шукр қилиш йўли билан уни ўзига дўст этади ва бутун туриш-турмушини шу тарзда давом эттиради” [1;122].

Улдана АБДУРАҲМОНОВА – 1986 йилда туғилган. Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Адабиётшуносликка оид ўттиздан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Мазкур асарда яна ёзилишича, Ҳасан Басрий Умавий халифаларнинг саккизинчиси бўлган Умар ибн Абдулазиз ибн Марвонга ёзган мактубида шундай дейди: “...Дунёдан охиратга кетишида ола кетиладиган энг яхши озуқа ҳавои нафсга берилиб ўтказиладиган ҳаётдан сақланмоқдир. Дунёда энг аъло бойтик инсоннинг ожизлигини эътироф қилиши ва қабул этиши, Аллоҳнинг қудратига таслим бўлишидир” [1;92].

Банданинг ўз Яратувчисига таслим бўлиши – муҳиблик (муҳиб – севувчи, яхши кўрувчи, дўст) демак. Зотан “муҳиб (севувчи) маҳбубига, албатта, итоаткор бўлади” [4;92].

Эшқобил Шукур ижодий шахсиятидаги таслимликнинг биринчи белгиси – шеъларида муножот (нажот умиди, тавба, Яратганга илтижо) лейтмотиви пайдо бўлиши билан характерланади. Муножот – бу ўз ожизлигини англаш, тан олиш, хидоят йўлини сўраш, дуо ва албатта, ибодат демак. Унинг яққол тимсолларидан бири эса мажнунтол образидир. Мажнунтол – ошиқлик, дарвешлик, итоат, илтижо тимсоли экани ҳам буни исботлайди.

Шоирнинг 1981 йили ёзган бир шеъри [8;16] “Мен қўрқаман мажнунтолнинг аразлашидан...” деб бошланади. “Мажнунтолнинг аразлаши”дан қўркув – кўнгилдаги итоат туйғусининг сусайишидан хавотир аслида. Чунки мажнунтол шоҳларининг титроқ ва йиги билан бир куй чалмоқда. Бу куйнинг исми – “Муножот” [8;16], яъни нажот сўралган илтижодир.

Кейинги тўртлиқда мажнунтол шахсга кўчади: аразлашлар (заха етишлар) мажнунтолни (кўнглидаги итоатни) четлаб ўтсин, “Мажнунтол япроғида баҳт ухлаб қолсин” (яъни қалбда итоат, сокинлик, шуқр хукмонлик қилсин), дея илтижо қилинади:

“Самоларга илтижолар йўллайман тунлар,
Кўзларимда сокин-сокин чайқалади дард.
Мажнунтолни четлаб ўтсин аразли кунлар,
Мажнунтолнинг япроғида ухлаб қолсин баҳт.
Мен қўрқаман мажнунтолнинг аразлашидан”.

Яна бир шеърда [5;196–197] эса “Менинг қўлим очик, қўлларим очик” сатри ҳар икки қаторда такрор бўлиб келиши бежиз эмас. Қўллар очиқлиги – итоат, дуо, илтижо рамзи эди аввало (шеър сўнгидаги “Сенинг қўлларингдан айрилган кундан!” сатри ҳам йўқотишдан кейин топиш илинжи, излов ўтинчи эканини далиллайди).

Бу қўллардан:

- капитарлар дон териб еса, юлдузлар кон сўради (кабутар – қалб, тинчлик, орзумид, юлдузлар эса самовий ёруғлик, илоҳий нур тимсоллари).

Бу қўлларда:

- турналар аргимчоқ солса, йўлларнинг излари қолади (турна – хабарчи, элчи, йўл – риёзат, тоат, одам рамзи);
- кун ва тун, кутблар бир-бирини топади (кувватлар бирлашуви);
- мажнунтол илк бор мева тугади (илтижонинг қабул, дуонинг ижобат бўлиши).

1989 йили нашр қилинган “Тунги гуллар” китоби ҳам “Илтижо” шеъри [9;3] билан бошлангани бежиз эмас.

Бу муножотда:

- бир карвон булут;

Улдана АБДУРАҲМОНОВА

- тизим-тизим дарё;
- бир қатрон музлик;

– минг кўзли булоқ сўраб илтижо қилинмоқда. Бунда булат, дарё, музлик, булоқ – борликнинг яралиши, яшаси, ўлиши (шакл ўзгартариши) ва қайта тирилишидаги муҳим тақдирлар (хотиралар)дан сўзловчи ёзук-аломат, ҳаёт, тириклик рамзи бўлган сувнинг уч олам (осмон – ер – ерости)даги ҳаракатини ифодаламоқда. Сувнинг аввалги, ўрта ва қуий оламлардаги шаклларининг ўз руҳига қўнишини сўрашдан мурод – мудом эврилишларга маҳкум инсон руҳига, қалбига тозалиқ, мусаффолик, покланиш, ҳатто қуёшни ва кишни пиширас даражада тафтли исён оловини ўчиришга қодир тавба қуввати (қалб сокинлиги) тиланаётганини англатади.

Яна бир шеърда эса “*Ойчоғда дил пишиди ҳил-ҳил, синграб-синграб ситилди сунбул, келорим ҳам, борорим ҳам гил*” (қалб итоат учун тайёр бўлди, кўнгил ўзининг аслини – хокисор тупроқ эканини англади), дер экан, халоскор-нажоткор руҳий қувват чорланади:

“*Иложим-у илмим – илтижо
Ўзим қувгин дилимга Сен жо,
Умрим, шеърим сенда мустажоб,
Дилга ёрим, кулбама келгил,
Жон устига меҳмоним бўлгил*” [10;64].

“Яшил қушлар” тўпламидаги “Қалб манзаралари” [10;71–73] манзумаси – илоҳий ором истаган шоир ижодий шахсиятидаги муножот лейтмотивининг ёрқин намоёни, айтиш мумкинки, ҳайратни англашнинг ўзига хос муҳим босқичидир. Бу галги муножотнинг ҳарактерли жиҳати бунда илҳом ҳам, илоҳий ором ҳам, қувват ҳам, сийрат ҳам, ҳайрат ҳам фақат ва фақат Яратгандан, Бир-у Бор Зотдан, Оламлар Роббисидан сўралади:

“*Ё Роббим! Бу дилга илҳом ато қил,
Бу тилни бу дилга тамом ато қил...*”

Илҳом – пок фитрат, юксак фахм-фаросат, кучли ақл-заковат, ижодий-руҳий қувват бирлашуви, илм берувчи, йўлловчи, эслатувчи ғайб хабаридир. Абу Ҳомид Фаззолий “Ихёу улумиддин” асарида хаёллар (фикрлар) уч хил (vasvasa, илҳом, шубҳали) бўлишини ёзаркан, “Яхшиликка чақиравчи эканлиги билинадиган хаёлнинг илҳом эканлигига шак йўқ” [2;44], деб ёзади: “...*Қалбда баъзи ҳолларда ҳосил бўладиган илмларнинг юзага келиши гоҳо кутилмаган жойдан тушиб қолгандек, қалбга кириб қолади. Гоҳо мулоҳаза ва таълим олии йўллари билан қўлга киритилади. Бас, маҳсус ўрганишсиз ва далилий йўлларсиз ҳосил бўлган илм илҳом, деб номланади. Мулоҳаза йўллари билан ҳосил бўлгани эса сабоқ олии ва фаҳмлаш, деб номланади...*” [2;27].

Эшқобил Шукур даврий матбуотдаги суҳбатларининг бирида бу ҳақда сўз юритар экан, “*Илҳом қалб меҳнатини, изтиробни талаб қиласди. Изтиробнинг шитирокисиз қилинган ҳар қандай ижод соҳтадир*”, дейди: “*Бу ҳол дунёни идрок этиши, моҳиятни англашга бўлган интилишидир. Бунинг завқини фикрлаётган одам яхши билади. Илҳом ажойиб ҳодиса. Одамни баландларга кўтаради. Майдачудайдалардан ажратиб олади. Буни боболаримиз ҳол деб атасиган*” [12].

Демак, шоирнинг “Бу дилга илҳом ато қил” муножотида Яратгандан мустаҳкам иймон, пок фитрат, эзгу амал сўралмоқда. “Тилимни дилимга инъом эт, баҳш эт, бўйсундир, тил ва дил бирлигини – Иймон мустаҳкамлигини бер” маъносидаги “Бу тилни бу дилга тамом ато қил” сатри ҳам шунга далил. Зеро, “*Иймоннинг ҳақиқати гапга тўғри келувчи тасдиқ ва қалбдаги азму қарордир. Унинг тугал бўлиши эса аъзолар амали билан боғлиқдир. Киши батамом иймонли мўмин бўлиши учун албатта унинг эътиқоди, сўзи ва амали бир бўлиши керак*” [6;124].

Шу боис ҳам шоир муножотида ўзига бир қатор саволлар беради [10;71]:

- бизга бу жон, бу жаҳон нима учун керак?
- беш кунлик ҳаётда минг қабоҳатнинг сабаби нима?
- разиллик қоплаган ёлғон бўстоннинг мазмуни борми?
- моддият қоплаган мозористон оламининг-чи?

Сўнг изжодкор атрофига назар ташлаб, фосиқлар ва ғофиллар даврасида ўралашиб қолганидан, нафс базмига (ўткинчи ҳою ҳаваслар билан кун кечиришга) берилиб, ҳатто ҳалол ва ҳаром фаркини унтиб қўйганидан, бу ҳолдан эса пирлари норизо, яъни ўз руҳи нотинч, ўз қалби безовта эканидан маломат қиласди. Айнан илоҳий ором истаётганининг сабаби ҳам ҳали нафс исканжасидан тўла ҳалос бўлмагани, ўзини енга олмаётгани, ўз қувватини жамлай олмаётганини айтаркан, Яратгандан дилга қувват, хайрон суратга (олам ва одам моҳиятини англолмаётган вужудга) субҳон сийрат (улуғвор, юксак ахлок), ўзига қайтиш учун эса хайрат сўрайди:

“Ё Раббим! Бу дилга ўзинг қувват бер,
Бу ҳайрон суратга субҳон сийрат бер.
Йибординг... Қайтмоққа ўзинг навбат бер,
Ё Раббим! Хайр қил – ҳайрат бер, ҳайрат бер”.

Бу муножотдаги яна бир ўзига хослик – ислом динининг беш устунидан бири, Аллоҳ таоло ҳар бир мўмин-мусулмонга фарз қилган илоҳий неъмат, мўминнинг меърожи [7] бўлмиш беш вақт намоз ўқиши ибодати билан руҳан улғайиш нияти сўралаётганидир. Шоир “Мен ҳам бир бандангман, мен – зарра, улгайт // бомдоддан хуфтонга беш карра улгайт”, дея муножот қиласкан, “Каломдан каломга етолсам, шукр // осмонингга ойдай ботолсам, шукр”, дея ёзади.

Муножотнинг иккинчи қисмида [10;72] “*Қулингман, мен сени билмөс истарам*” сатри анафора [13;29] сифатида қўлланилиши бежиз эмас. Бу – ҳам яратиқнинг Яратган қошидаги тўлиқ таслимлиги, ҳам яратиқнинг ўзи воситасида Яратганини билиш истаги. Шеърнинг ҳар бир банди якуни “истарам” феъли билан тугаши ҳам бунга далил. Бу истакнинг мазмуни эса “*дунёни саломат қўрмоз*”dir.

“Саломат дунё” тушунчаси эса бу ўринда шоир тафаккурида икки таркибий қисмни ўз ичига олади:

- руҳ саломатлиги;
- дил саломатлиги.

Булардан ташқари, шеър таркибida “ул ой саломатлиги” образи ҳам борки, бироқ руҳ ва қалб саломатлиги нималигини англамасдан бу тимсол қулфини ечиб бўлмайди.

Шеър матни таҳлилидан келиб чиқилса, бунда руҳ саломатлигига йўл қўймаётган исказнажа – дил ва тилнинг бир қутбга келмагани (*ягона ўзанга бирлашмагани*) эса “*Ўт билан ўйнашиб ўтмогда будил//Тоғ билан қайрашиб ўйтмогда бутил*” тарзида ифодаланади. “Ўт” рамзи бу ерда оловни, муножот мазмунидан келиб чиқсан,

Улдана АБДУРАХМОНОВА

нафс ва ҳирсни билдирмоқда. Тог образи бўлса изтироб ва гуноҳни англатмоқда. Чунки “*тоз билан қайрашиб*” (тоғдек изтиробга қайралиб) “*йитмогда бу тил*” (тил йўқолмоқда) сатри шоир бу ўринда тогни улуғворлик, салобат ё суюнчиқ эмас, қайроқ маъносида ифодалаётганини далиллайди. Шу боис ҳам ижодкор илоҳий қувват оқимини дарёга, ўзини эса бу дарёдан мосуво, дарёга етиша олмаётган, қирғоқдаги қумлоқда адашиб ётган балиққа менгзайди:

*“Сен – дарё, сен – дарё, муazzам дарё,
Адашган балиғдай қумлогда бу дил”.*

Албатта, балиқ сув билан тирик бўлгани каби рух ҳам илоҳий қувват билан ҳаёттир. Шу боис ҳам шоирнинг “*руҳимни саломат кўрмоқ истарам*” нияти дил ва тилнинг бир қутбга келиши (ягона ўзанга бирлашиши) истагидир.

Кўнгил ва тилнинг бир нуқтага бирлашиши учун эса, аввало, дил саломатлиги лозим. Бу борада шоир ўз дилини қақнус боласига менгзайди. Жаҳон адабиётида, хусусан, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида афсонавий қуш – қақнуснинг куйдан оловга айланиб, шу олов ичида йўқ бўлиши ва янгидан яралиши хусусида мукаммал таъриф берилгани [3;311-315] кўпчиликка маълум бўлиб, қақнус – абадий ҳаёт (туғилиш – яшаш – ўлим – қайта тирилиш) тимсолидир. Бироқ шоир қалбидаги қақнусга – “осмоннинг элчиси” (илоҳий қувват оқими билан боғловчи элчи)га эса бу Илоҳий қувват оқимига боғланишга куч етишмаяпти ва шунинг учун ҳам ижодкор ўзи ҳолига ўзи ҳайрон бўлмоқда, ўзини ўзи тергамоқда:

*“Воҳ, қақнус боласи, эй дил, на бўлди,
Осмоннинг элчиси сингил, на бўлди?
Мен сени дунёга қушдай учирдим,
Кўзёши пиёласи чил-чил... на бўлди?
Кулингман, мен сени билмоғ истарам,
Дилимни саломат кўрмоғ истарам”.*

Айни шу ҳолнинг ўзи таслимликнинг гўзал намунаси – айбни ўзгадан эмас, ўзидан излаш жараёнини кўрсатиб беради. “Қамалда қолган ой” образи эса бу айборлик ҳиссини ўкувчи кўз ўнгига жонлантиради:

*“Кўксимда қамалиб ётибди бир ой...
Қизгалдоқ қонига ботибди бу ой.
Ғофилман... Мен ҳали ҳаётдан ўтмай,
Менинг ҳаётимдан ўтибди бу ой”.*

Ой – шарқ-ислом тафаккурида нур, ёғду билан бирга илоҳий қувват (пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) кўрсатган “Шаққи қамар” ёхуд “Иншиқоқи қамар” дея ифодаланган “Ойнинг иккига бўлиниши” мўъжизаси), туғилиш, янгиланиш (хилол), комиллик (тўлин ой), ғалаба (Усмонлилар хукмдори Султон Муҳаммад Фотихнинг 1453 йилда Константинополни (Истанбул) забт этиш воқеаси билан боғлиқ) тимсолларидир. Шулардан келиб чиқилса, шоирнинг “Қамалда қолган ой” образи – инсонга ҳамиша йўлдош бўладиган эзгулик нурини англатмоқда. Ойни “қизгалдоқ қони” қамраб олгани билан эса бу ёғду ёрқинроқ нур соча олмаётгани, тўлин ойдек камолга етмаганига, яъни ғофиллик иймон

кувватини исканжага олиб турганига ишора қилинмоқда. Шу боис ижодкор бир банда сифатида Яратгандан шу ғоффилликларни кетказишни, қалбидаги әзгулик нүрини саломат күришни сүраб, муножот қилмоқда:

*“Күлингман, мен сени билмөг истарам,
Ул ойни саломат күрмөг истарам”.*

Муножоттинг учинчи қисмida эса “Ай дил” мурожаати анафора қилиб олинган бўлиб, унинг тонг тасвири ичида келиши қалбда янги уйғониш палласи бошланганидан дарак беради. “Ай дил, хушёр бўлғил, сахар вақти бу // ўз ичу тошингга сафар вақти бу” сатрлари кўнгил ҳайратни англашга тайёр бўлганини ифодалайди. Кўнгил ўзини англаши учун бу субҳидам шу қадар катта имкониятки, заволу иқбол қайдан бўлса ҳам, инсон бу тонгнинг қайси буржига борса ҳам, ўз нафсини енгадиган, ўзи устидан музaffer бўладиган “зафар вақти бу”, фақат бунинг учун инсон нафс занжиридан ҳур-озод бўлиши, ўзи олдида худди қиёматдаги каби жавоб бера олиши керак:

*“Ай дил, тараф айла, ҳурсан, озодсан,
Сенга тонг, вужудга маҳшар вақти бу”.*

Кўнгилнинг бу субҳидамида ҳатто чақмоқлар гуллайди, бу илоҳий кувват ҳатто кесакни гавҳарга айлантиришга қодир (“Теграмда чақмоқлар гуллаб ётадир, ҳатто кесакнинг ҳам гуҳар вақти бу”). Шоир айтадики, “Мен тилло товоқда бошим келтирдим, Ай дил, қабул айла, самар вақти бу”, яъни “Ўз қалбимга итоат билан келдим, Яратганга таслим бўлиб келдим, чунки бундан руҳимга, қалбимга, ҳаётимга самар (натижа, ҳосил) бордир”. Фақат бунинг учун қалб нафс дунёсидан халос бўлиши керак, шу узлатдагина жон куши Аллоҳ қудратини англайди:

*“Ҳикмат узлатдадур, узлат юракда
Жон қушин Аллоҳга сайрап вақти бу.*

*Ай дил, ҳушёр бўлғил, сахар вақти бу,
Ўз ичу ташингга сафар вақти бу”.*

Бу сатрлар Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони бошланмасидаги “Жон қуши чун мантиқи роз айлагай, Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай” (Жон қуши, яъни кўнгил ўз сирларини баён қилишга киришар экан, уни албатта ўз Яратгувчисига ҳамд айтиш билан бошлайди, чунки Оламлар Роббиси ўз сирларини инсон кўнглида яширган”) байтини ёдга солади. Умуман, “Қалб манзаралари” муножоти мазмунан ҳазрат Навоийнинг “Инсон қалбининг йўқлик зулматидан қутулиб, борлик тонгига эришиши” ҳақидаги “Илк ҳайрат концепцияси”га, муножот қилувчининг ҳиссий ҳайронлик ҳолати Қуръони Каримдаги Муниб (Аллоҳга қайтувчи, Унга тавба қилувчи, тоатига юзланувчи) ва Мухбит (бўйсунувчи, таскин топувчи) қалб мақомларига яқиндир.

Бу каби муножотлар Эшқобил Шукурнинг барча шеърий тўпламида учраши шоир ижодий шахсиятидаги таслимлик ҳоли параллел равишда, аммо шеърдан шеърга изчил, босқичма-босқич улғайиб борганини далиллайди. Руҳиятдаги таслимлик, қалб итоати билим билан бойигани сайин шеърларда (айниқса, “Насойим ул-муҳаббат”га сайр” туркумида) салимлик ва муслимлик лейтмотивлари янада ёрқинлашиб боради.

Шарқ юлдузи

2024

3-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри
тахририят ижодий жамоаси нуткай
назаридан фарқланиши мумкин.

Тахририятта юборилган
материаллар муаллифларга
қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек
адабиёти” ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билин шугулланувчи барча
ташкилотлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкӯча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга руҳсат этилди:

14.05.2024

Қоғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
Офсет босма усулида оғозида
босилди. Босма табори 11,0.
Шартли босма табори 15,4.
Нашриёт хисоб табори 17,2.

Адади 3200 нусха.

Буюртма № 19

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигидаги 05.02.2016 й.
0562-ракам билан рўйхатга олинган.
“DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ
матбат корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани
Шифокорлар шаҳарнаси, 15 уй.
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Муҳаррирлар:

Дилфузা Маҳмудова

Байрам АЛИ

Ислом АЛИ

Мусаҳҳих:

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Набихон ЧУСТИЙ. Фойдали бўлса сўзинг,
халқингни айла баҳраманд.....4

НАЗМ

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД. Булбул чаҳ-чаҳидан

қизғондим фақат.....13

Ашурали БОЙМУРОД. Тол шоҳида яшил жамалак.....22

Қаҳхор Йўлчиев. Сукунат сувратин
чишиб бер менга.....26

Зебо РАҲИМОВА. Гуллайди юрак – атиргул87

Бобоқул ТОШЕВ. Сен менинг рухимда
бирга яшайсан.91

Гулжаҳон МАРДОН қизи. Тирилмокни истайди юрак.....94

Фармон ТОШЕВ. Хуш фазилат яхшидур.....119

НАСР

Қамчибек КЕНЖА. Туш. Ҳикоя.8

Гулиора РАҲМОН. Кечиккан тонг. Роман.29

Байрам АЛИ. Илинж. Икки ҳикоя.....128
Топишмоқ.....131

ОЙДИННИСО. Чап қовурға. Ҳикоя.134

ЁШЛАР ИЖОДИ

Хумоюн ФАТТОҲ. Кимларга ўзимни бой
бердим жангиз.149

ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ

Адалет АҒАЎҒЛУ. Асра, севгини асра.....142

ТАҲЛИЛ

Үлдона АБДУРАҲМОНОВА. Саломат қалб
ёхуд Эшқобил Шукур ижодида таслимлик ҳолати.162

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Олим ТОШБОЕВ. Оз, жудаям оз!99

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ. Шеър – кўнгилнинг
гуллаган чоги.106

Дилмурод ҚУРОНОВ. Шеърият гултоғи.114

МАХТУМҚУЛИ ФИРОГИЙ

ТАВАЛЛУДИННИНГ 300 ЙИЛЛИГИГА

Ислом БОБОЖОНОВ. Махтумқули – валий, авлиё.138
ТАДҚИҚОТ

Рустам ТУРСУНОВ. “Оғахийдек чун манго
бордур рафиқи ишқим...”.153

Дилноза РУСТАМОВА. Девонларда учрамайдиган
шеърлар.157

МАКТУБ

Гулчехра ШАҲОБИДДИН қизи. Қадрдан журналим!.147
МУТОЛАА

Саломат МАМАТҚУЛОВА. “Йўл” киссасини ўқиб.168
BOLALAR DUNYOSI

Ravshan ISOQOV. Porlab ketar zehnim chirog‘i.....172

Адабий ҳаёт.174